

БОЛАЛАР ШЕЪРИЯТИДА ПЕЙЗАЖ ТАСВИРИ: ИЗДОШЛИК ВА ЎЗИГА ХОСЛИК Гулноза Воҳиджонова АБДУЛЛАЕВА

ўқитувчи

Фарғона давлат университети

Фарғона, Ўзбекистон

gv.abdullayeva@pf.fdu.uz

vohidjonovna87@gmail.com

Аннотация

Мақолада болалар шеъриятида Турсунбой Адашбоев ва Абдурахмон Акбарларнинг пейзаж тасвири мавзусига бағишланган, фалсафий ва маърифий жиҳатдан болалар адабиётида ўрганилиши мақбул бўлган шеърлари издошлик ва ўзига хослик асосида таҳлилга тортилган.

Таянч сўзлар: мавзу, пейзаж, образ, жонлантириш, тематик композиция, тасвирий сифатлаш издошлик ва ўзига хослик.

ПЕЙЗАЖНОЕ ОПИСАНИЕ В ДЕТСКОЙ ПОЭЗИИ: СЛЕДОВАТЕЛЬНОСТЬ И СВОЕОБРАЗИЕ

Гулноза Воҳиджонова АБДУЛЛАЕВА

Преподаватель

Ферганский государственный университет

Фергана, Узбекистан

gv.abdullayeva@pf.fdu.uz

Аннотация

В статье анализируются стихотворения Турсунбой Адашбаева и Абдурахмона Акбара о детских пейзажах, философии и интеллектуально приемлемые для изучения в детской литературе на основе системности и оригинальности.

Ключевые слова: тема, пейзаж, образ, анимация, тематическая композиция, живописность, продолжение и оригинальность.

Ижодқорни ҳаяжонга солган, кўлига қалам олишга мажбур этган ҳаётини материал “мавзу” деб аталади. Мавзу одатда ёзувчи ёритмоқчи бўлган ижтимоий ёки ахлоқий воқелик билан бирга туғилади [5;96]. Шу билан бирга мавзу нима ҳақида ёзиш ва қандай фикр юритиш аниқланмасидир. Болалар шеъриятида ҳам мавзу танлаш уни ёритиш ёш китобхонга етказиб бериш муҳим аҳамият касб этади. Адабиётда мавзулар хилма-хил бўлиб, табиат мавзуси алоҳида аҳамиятга эга. Болаларнинг таниқли шоири Турсунбой Адашбоев ижодида табиат мавзуси ва унинг тасвири алоҳида ўринга эга. Унинг шеърларида табиатга хос ҳодисалар болаларга, уларнинг ёшига мос тарзда ифодаланган бўлиб, борлиққа муҳаббат,

табиатни асраш унинг ўзгачалиklarини англаб етишга ундайди. Шоирнинг “Осмондаги дарвоза” тўпламига киритилган “Тўрт фасл” шеърида табиатнинг жонли тасвирини кўрамиз. Шеър тўрт банддан ва ҳар банди тўрт мисрадан иборат. Йил фаслларининг кетма-кет келиши асосида тасвирлаган, шуниси билан ҳам аҳамиятлики, тўрт банд, тўрт мисра ва тўрт фасл, яъни фаслларнинг тўрт рақамига ишора қилиб ўтган. Шеър худдики ўйин тарзида берилган, бу шаклга ҳам маъно юклаш саналади. Зукко китобхон ижодкорнинг мақсадини тез илғаб олади.

Баҳор қутлар олами, / Мушак отар замбарак.

Баргак таққан сочиға, / Бошида гулчамбарак [1; 47].

Биринчи бандида Баҳор таърифи берилган ва жонлантириш санъатидан моҳирона фойдаланган, жуфт мисралар ўзаро қофиядош бўлиб болаларга хос содда тилда ифода этилган. Жонлантириш санъати шеърни бўрттириб, ёрқин, равшан ва образли тасвирлаш имконини берган. Дерли барча мисралар жонлантириш санъати билан ифода этилган. Тасвирга эътибор қаратсак, гарчи йил боши қиш фаслидан ҳисобланса ҳам баҳор худдики табиатнинг бошланиши, аниқроғи уйғониши сифатида тасвир этилади. Шеърнинг биринчи мисрасида баҳор олами қутлаб кириб келади, иккинчи (Мушак отар замбарак) мисрада тасвир кучаяди, жонлантириш билан бирга ўхшатиш санъатидан ҳам фойдаланган. Мушак отилганда унинг зарралари ҳаммаёққа сочилгани каби баҳор келиши билан ер яшилликка ва гулларга бурканиши, дарахтларнинг мушакдан ёғилаётган нурлар каби гуллашига ишора қилиб ўтилган, шунга ўхшаш тасвирни Рауф Парфининг “Тонг” шеърида кўрамиз. Унда тонг тасвири берилган бўлиб, қуёшни ўқ отувчи замбаракка ўхшатган (Тонг отмоқда қуёш замбарак). Замбаракнинг маъно замирида салбийлик мавжуд, ҳар икки ижодкор эса унга ижобий маъно юклай олган. Учинчи ва тўртинчи мисраларда ҳам жонлантириш санъатини кўрамиз, бу мисралар ҳам юқоридаги каби Рауф Парфи шеъри билан ҳамоҳанг (Бошида гулчамбарак/ бошларида яшил чамбарак). Лекин Турсунбой Адашбоев шеърида гулчамбарак таққан баҳор фасли бўлса, Рауф Парфи шеърида ер – она заминга

нисбатан айтилган.

*Шамол қувар булутнинг / Увалда- ю лахтагин
Меҳнаткашер ғайратдан / Ечиб ташлар яктагин.*

Мисраларда ёз фасли ифодаси берилган, лекин унда ёз сўзи келтирилмаган, балки унга ишора қилувчи ҳолатлар берилган, бу ўқувчига яққол ташланмайди, зукко китобхон келтирилган ифодалар асосида англаб етади. Шамол баҳорги булутларни ҳайдаб, иссиқ кунларга йўл очган, меҳнаткашернинг ғайрати жўшиб ва иссиқдан яктагин ечиб (ҳосилларни пиширишга) ишга киришган. Шеърнинг иккинчи мисрасида берилган “Увалда- ю лахтагин” сўзи болаларга бироз тушунарсиз бўлиши мумкин. Бу сўзлар булутларнинг ёйилиб, катта ва майда бўлакларга (увалда – каттароқ, лахтак – майдароқ маъносида) бўлинган қисми сифатида берилган. Ҳар бир мисрада жонлантириш санъати ва жуфт мисраларнинг қофияланишини кўрамиз.

Буркаб олди об- ҳаво/ Бирдан қовоқ- қошини.

Жануб сари турналар/ Жўнаб қолди шошилиб

Ана энди навбат кузга келди. Шеърнинг биринчи мисрасиданоқ куз фаслининг манзараси берилган. Тасвир мисраларда ортиб боради ва бу мисраларнинг ҳар бирида ҳам жонлантириш санъатини кўрамиз. Об- ҳавонинг тундлигини ҳуддики, ғазабдан ёки хафагарчиликдан қош қовоғини уйишига ўхшатади. Учинчи ва тўртинчи мисрада кузга ишора қилувчи янада аниқроқ ҳолат қушларнинг жанубга учиб кетиш тасвири билан куз таърифига яқун ясалади, навбат қишфаслига келади.

Ҳадемайин қор тушиб,/ Қирза этик ғарчиллар,

Тиним бермас чанага/ Энди Шокир, Барчинлар.

Тўртинчи бандда эса шоир оддий тасвир воситасидан фойдаланган, унда жонлантириш санъати берилмаган. Қор, этик, чана деталлари мавжудлигидан фасл таърифи ойдинлашади. Қишда болаларнинг энг севимли ўйини бу чана тортиш бўлиб, Шокир ва Барчин образлари орқали барча болаларни ифода этган. Шеър жонлантириш санъатига қурилган ва фаслларни тасвири фалсафиёна

ифода этилган. Ва ҳар бир мисрада тасвир кучайиб боради, воқеа кетма-кетликда берилган. Ҳар банддаги мисралар ҳам ўзаро бир воқеликни юзага келтирган. Шеърнинг тематик композициясига тўхталсак, бошланма сарлавҳанинг берилиб, бандларда ўй-фикрлар ривож, охириги икки мисрада эса якун берилган ва яхлит воқеликни ташкил этган. Турсунбой Адашбоевнинг шогирди Абдурахмон Акбар шеърларида ҳам фаслларга ва табиат тасвирига бағишланган устозидан ўрнак олиб яратган ўзгача назми кўрамиз. Унинг “Табиат алифбоси” шеъри табиатнинг тўрт фаслига бағишланган ва оригинал таърифлар мавжуд. Номланиши ҳам болалар диққатини ўзига тортади. “Алифбо” деганда нафақат болаларнинг, балки ҳамманинг кўз олдига ҳарфлар тартиби келади (“Алифбо” - алиф ва бе ҳарфларининг кетма-кет тартибланиши). Шеърга нисбатан эса, йил фаслларининг тартибли жойлашиши назарда тутилган. Шаклий жиҳатдан уч банд, ҳар банди тўрт мисрадан иборат.

Қулупнай, тут ва гилос- /Бу баҳор серноз,

Қовун тарвуз,ҳандалак- /Олтин ёз демак [2;113].

Шеърнинг биринчи бандининг дастлабки икки мисрасида баҳорга хос хусусиятлар берилган. Қулупнай, тут, гилос баҳор фаслининг мевалари, буни болакайлар жуда яхши билади, шoir ҳам иккинчи мисрада бунга ишора қилган, жонлантириш санъатидан ҳам фойдаланган (Бу баҳор серноз). Кейинги икки мисрада полиз экинларидан ҳандалак, қовун тарвузларнинг пишиши ёз келганидан дарак, шoir новаторона сифатлаш (эпитет)дан фойдаланган - “олтин ёз”. “Олтин” сўзи куз билан биргаликда “олтин куз” бирикмасида ишлатилар эди. Олтин куз бу ҳаммаёқ, яъни дарахт баргларининг сариқ ва қизғиш тусга кириши асносида берилган бўлса, “Олтин ёз” бирикмасининг берилиши эса, қуёш қиздириб олтин тусга киришига ишора. “Сифатлаш” ифода этмоқчи бўлган нарса ёки фикрнинг маъносини тўлароқ, аниқроқ ифодалайди, таъсирчанликни кучайтиради ва ўқувчи кўз ўнгида тасвир яққол гавдаланади [6;204]. Шoir сифатлашнинг “тасвирий сифатлаш” туридан фойдаланган. “Тасвирий сифатлаш” – нарсанинг бирор ташқи белгисини ажратиб кўрсатиш учун қўлланилиб, унда

баҳолашаттенкаси бўлмайди [4; 229].

*Кўса “гуллаб” анорга, / Кирса қирмиз тус,
Етиб келган бўлади, / Ўлкамизга куз.*

Куз фаслининг тарифи эса, кўса, анор деталлари орқали келтирилган. Дарвоқе, детал асарнинг мазмун-моҳиятини очишда муҳим элемент саналади. Устоз Йўлдош Солижонов “Ҳақиқатнинг синчиков кўзлари” китобидан жой олган “Деталлар тилга кирганда” мақоласида деталга шундай таъриф берган эди: “Детал сюжетни ҳаракатга келтирувчи мотор ҳисобланади. ...фикрнинг тиниқлиги ҳам, сюжетнинг таранглик касб этиши ҳам – барчаси ана шу деталлар орқали амалга ошади, ҳамда таъсирчан чиқади” [3; 94]. Бу фикрларни лирик асарга нисбатан ҳам тадбиқ қилсак, шеърятда шoir ифода этмоқчи бўлган ўй-фикрлари, руҳияти, ҳис-кечинмаларини китобхонга етказишда ва асослашда, таъсирчанликни оширишда ҳам аҳамияти катта. Абдурахмон Акбарнинг фаслларга бағишланган шеърларида ҳам ҳар бир фаслга хос ва болаларнинг тафаккурига мос бўлган деталлар (мева ва полиз экинларидан) ва тасвир усули мавжуд. Келтирилган ўхшатиш ва таърифлар орқали болаларнинг билиш доираси ҳам ортади. Экинлар ва мевалар қачон ҳосилга кириши, пишиб етилишини яхшироқ билиб олади.

*Бошланса шарбат, қиём / Тузлама очиш
Билаверки, қор ёғар / Бу дегани қиш*

Бу мисраларда қиш фаслининг ўзига хос таърифни кўрамиз. Дарҳақиқат, пишиқчилик вақтида беркитилган шарбат, қиём ва тузламаларни очиб истеъмол қилиш қиш фаслдан бошланади, реал ҳолатни соддалик билан ёш китобхонга етказиб бера олган. Тематик композицион жиҳатдан, бошланма, фикрлар ривожини ва ҳар бир банд ўз ҳолича тугалланмадан иборат. Яна бир ўзига хос томони, ҳар бир банд бошида қайси фасл бўлса шу фасл таърифи, банд охири эса, шу фаслнинг кириб келиши билан якунланган (дастлаб, таъриф кейин эса фасл номи келтирилган). Шoirнинг “Қиш эртаги” номли шеърида ҳам табиатнинг ўзгача тасвирини кўрамиз. Шеърни “эртақ” деб номлашига сабаб, шoirнинг ўй-фикрлари,

кечинмалари эртак тарзида ифодаланган. Уч банд, ҳар банд тўрт мисрани ўз ичига олади.

Яхлаган тоғларга оёғи тегиб, / “Ув” тортиб юборар совуқдан шамол.

Уч- тўртта шохини тебратиб, эгиб, / Ҳазин ҳуштак чалар қари мажнунтол

[2; 94.]

Биринчи банди жонлантириш санъатининг ўзгача ҳолати – Яхлаган тоғлар, совуқдан “ув” тортган шамол, қари мажнунтолнинг жонли тасвири билан беради, тоғу тошларни кезиб юрган шамолнинг оёғи музлаган тоғларга ногоҳ тегиб кетади - ю, совуқнинг захридан “ув” тортиб юборади. Шамолнинг қиш кунларида овоз чиқариб, совуқнинг захрини янада сездириб эсишини “ув” тортгандай жонлантириб акс эттирган. Кейинги икки мисрада шамол деталидан мажнунтолга кўчади. Мажнунтол қишҳавосининг совуғи, табиатнинг маҳзунлигини ифоаловчи детал сифатида келтирилган, маъноси унинг ҳазин ҳуштагидан кўришимиз мумкин. Шеър катталарга ҳам бирдай ёқиши билан бирга, кичиклар дунёқараш, фикрлаш доирасини ўстиради. Кейинги бандда пейзаж (табиатнинг ташқи тасвири) дан, хона тасвирига кўчади. Баҳорни соғиниб, деразадан маънос қараб, ўйга берилган тувақдаги гул образи орқали ташқис санъати оригинал ҳолда намён бўлган (тувақдаги гулнинг деразадан термулиши, ўйга толиши, тушлар кўриши). Турсунбой Адашбоевнинг “Баҳор келгач” шеърида эса болаларга хос содда ифода усулни кўрамиз.

Қишқорини сугурди, / Қуёшнури уфурди,

Ялпиз ҳиди гугурди / Баҳор келгач.

Кунлар илиши билан қорларнинг эришини – “Қиш қорини сугурди” дея новаторона ташқис орқали намён этади. Қуёшнинг нур сочиши-ю, ялпиз ҳиди табиатнинг уйғонганидан, баҳорнинг келганидан далолат. Болаларча содда ўхшатиш ва жонлантиришдан фойдаланиб, табиат тасвирини уларга мос ва хос ҳолда ифодалай олган. Шеър тўрт банддан иборат, ҳар банди тўрт мисрадан, тўртинчи мисра (“баҳор келгач”) ҳар бир бандда такрорланган. Сўзларнинг ва ифода усулининг соддалиги болаларга шеърни тушунишида қийинчилик

туғдирмайди.

Хулоса шуки, Турсунбой Адашбоевнинг табиат мавзусига бағишланган шеърларида жонли тасвир, фалсафиёна рух, шаклга ҳам маъно юклаш (тўрт банд, тўрт мисра, тўрт фасл), ҳар бир мисрада ифодаланаётган воқеликни даражаланиб бориши, фасл номлари келтирилмай, унга ишора қилувчи фикрларни бериш новаторона жонлантириш ва ўхшатишлардан фойдаланиш тематик композицион жиҳатдан фикрларни воқелик асосида кетма-кетликда бериш каби ўзгача услубни кўрамиз.

Абдурахмон Акбар ҳам устозининг анъаналарини давом эттиргани ҳолда ўзига хос услубни ярата олди. Унинг шеърларида номланишидан тортиб, хулосага қадар қувноқлик, тилининг соддалиги, шеър мазмунини ёритишда деталлардан унумли фойдаланиш яъни етказмоқчи бўлган мазмунни деталларга юклаш фикрларнинг воқелик асосида назмга тергандай мисраларда кетма-кетликда берилиши, анъанавий тарзда бандлар тўрт мисрадан иборат бўлиш каби индивидуалликни кўрамиз. Дастлабки мисраларда ифодаланаётган фаслга доир маълумотлар келтирилади, тўртинчи мисрада эса шу фаслнинг номи берилади (худдики топишмоқ, шеърни эслатади, мисрама- мисра берилган таъриф орқали фасл номини топиб боради), бу эса маърифийлик жиҳатдан аҳамиятлидир. Болалар шеъриятида табиат тасвирига бағишланган бундай шеърларнинг юзага келиши болалар адабиётининг ривожини билан бирга, уларни наботот олами билан яқинроқ таништирилади, гўзалликлардан баҳра олиш асраб авайлаш каби туйғуларини юксалтиради, маърифий жиҳатдан дунёқарашини кенгайтиради, мустақил фикрлашни ривожлантиради, инсоният олами ва табиат бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканлигини ёшкитобхон онгига сингдиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Адашбоев Т. Осмондаги дарвоза. – Тошкент: Чўлпон, 2003. – 213 б.
2. Акбар, Абдурахмон. Уйқучининг тушлари. – Тошкент: Шарқ, 2006. – 239 б.
3. Солижонов Й. Ҳақиқатнинг синчиков кўзлари. – Тошкент, 2009. – 226 б.
4. Салаев Ф., Қурбониёзов Г. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги.

– Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 389 б.

5. Султон, Иззат. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – 270 б.

6. Abdullayeva, G. (2021). Methodological research in the work of Abdurahaman Akbar. Конференции, 1(2). <https://doi.org/10.47100/vli2.204>.

<https://doi.org/10.47100/vli2.204> 8.11.2021